

Ҳужжат имзоланган:

сана:2022.08.11 16:15:20
серия рақами: 77c0ca86
компания:TIB CAPITAL INVEST MCHJ
стир: 30189977
фиш: BOBOKULOV NIZOM
email:

сана:2022.08.11 16:38:28
серия рақами: 77c236eb
компания:KO`P XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA JORIY
TA`MIRLASH HAMDA
стир: 307909444
фиш: RO`ZIYEV ZAFAR
email:



11ED1966DFC2C93EBA6F1E0008000075

электрон ҳужжат идентификатори

Пудрат шартнома
Шартнома №3/1

Карши шаҳар
(шартнома тузиш жойи)

01.07.2022
(шартнома тузиш сана)

"TIB CAPITAL INVEST" MCHJ (бундан буён - "Бажарувчи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор
Бобокулов Низом, бир томондан, ва ""KO`P XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA JORIY TA`MIRLASH HAMDA"
(бундан буён - "Буюртмачи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор RO`ZIYEV ZAFAR
ABDURAXMONOVICH, иккинчи томондан, биргаликда "Тарафлар", алоҳида эса "Тараф" деб аталувчилар
мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома

Ушбу шартномага биноан, Мижоз тўлайди ва қабул қилади ва Ижрочи қуйидаги шартлар асосида
товарларни (хизматларни) етказиб беради:

Table with 10 columns: №, Махсулот номи (хизматлар), Товар (хизмат)лар Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди ва номи, Товар/хизмат штрих коди, Ўлчов бирлиги, Миқдори, Нарх, Етказиб бериш қиймати, ҚҚС (ставка, сумма), Етказиш баҳоси ҚҚС билан. Row 1: карши тумани дустлик МФЙ 34-36-38 уйлар олдига хожатхона куриш учун, 10008002001000000 - Бажарилаётган курилиш ишларининг назорати ва сифатини назорат қилиш хизмати, дона, 1.00, 134 850 345.00, 134 850 345.00, ҚҚС сиз, 134 850 345.00. Summary row: Жами, 134 850 345.00, 134 850 345.00.

Шартноманинг умумий миқдори Бир юз ўттиз тўрт миллион саккиз юз эллик минг уч юз қирқ беш сум 00 тийин (сумма сўзлар билан), (134 850 345.00)

. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома Карши тумани дустлик МФЙ 34-36-38 уйлар олдига хожатхона куриш учун ишлари
Объектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

- 2. Мазкур шартнома энг яхши таклифини аниқлаш комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС сиз 132 850345 (Бир юз ўттиз икки миллион саккиз юз эллик минг уч юз қирқ беш сум 00 тийин) сўмни ташкил этади.
3. Курилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

- 5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 45 кунда топшириш;
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;
- курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи Пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи Пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- курилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.
6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
курилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;
курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.
7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини, объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;
- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида Пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;
10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида тенг улушларга (30 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказида, бу 39 855 103 (Уттиз туккиз миллион саккиз юз эллик беш минг бир юз уч) сўми ташкил этади.
12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)
13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.
14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида амалга оширилади.

VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
16. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини - Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.
19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
22. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка)учун

Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиққабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

VII. Ишларини қўриқлаш

34. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

35. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда

Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

38. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

39. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

40. Объектнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

42. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. Кафолатлар

43. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилиши;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;
объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V- бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Тошкент иқтисодий судида кўриб чиқилади.

XI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидаига мувофиқ иккинчи

томонга	ёзма	билдиришнома	юборади.
52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.			
53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.			

XII.	Томонларнинг	мулкий	жавобгарлиги
------	--------------	--------	--------------

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

-	иккинчи	томонга	етказилган	зарарни	тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.					

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

58. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчиҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII.	Низоларни	ҳал	этиш	тартиби
-------	-----------	-----	------	---------

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Карши шаҳар иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV.	Алоҳида	шартлар
------	---------	---------

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

73. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

2. Томонларни юридик манзиллари ва реквизитлари

Ижрочи

Номи: "TIB CAPITAL INVEST" МСНҲ
Манзил: Карши шаҳар Насаф кучаси 294-уй
Телефон: 998906163224
Факс:
СТИР: 301899977
ОКЭД: 61110
Х/Р: 20208000404897930001
Банк: КАРШИ Ш., ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ
ИШТИРОКИДАГИ "НАМКОРБАНК" АТБ КАРШИ
ФИЛИАЛИ
МФО: 01031

Буюртмачи

Номи: "КО`Р ХОНАДОНЛИ УЙЛАРНИ МУКАММАЛ ВА
ЖОРИЙ ТА`МИРЛАШ НАМДА
Манзил: AMIR TEMUR KO`CHASI, 74-UY
Телефон:
Факс:
СТИР: 307909444
ОКЭД: 84112
Х/Р: 100021860104017069902110004
Банк: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХИСОБ-КИТОБ КАССА
МАРКАЗИ
МФО: 00014



"КЕЛИШ ИЛДИ"
Ўзбекистон Республикаси
Мелия вазирлиги ўринбосари

" " " 2022 йил

"КЕЛИШ ИЛДИ"
Ўзбекистон Республикаси
Мелия вазирлиги ўринбосари

" " " 2022 йил

"ТАЪСДИКЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси Уй-жой
коммунал хизмати бўлими вазирлиги ўринбосари
Н.Назиров
" " " 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ-5152-сонли қарорининг 3-моддаси ижросини таъминлаш юзасидан, Қашқадарў вилоятида кўчи қаватли уйлارнинг тузатиш ишларининг амалга оширилиши бўйича 2022 йил дастлабки МАЎЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Объектларнинг номи ва жойлашган мазони	Қурилиш бонданлиги ва тузатишнинг йили	ЎЗГАРТИШ											2022 йил жами капитал қуйилмалар	Қурилиш маиحتاج инларнинг умумий қиймати	Жами буғуртмачи нинг харажатлари	ЎЗГАРТИШ		Азракилга и маблағин узатишни ш	Эксперт ла ҳулосаси рақами ва рақами	Тақсирлан ган танлов басининг рақами ва саниси	Лойиҳачи ташкилоти	
			Болалар майдончасини қуриш		Болалар майдончасини таъмирлаш		Ирригация тармоқларини таъмирлаш		Йулакларни бетонлаш		Танки еригини мосламаларини ўрнатish		Умумий даланида аги хожа хоналарини қуриш				Лойиҳа смета ва жисиртиза харажатла ри	Бурғу чиши ни саклаш харажати					
			дона	минг сум	дона	минг сум	п/м	минг сум	м2	минг сум	дона	минг сум	дона										минг сум
Қарши шаҳар																							
1	Шуртан МФЙ 7-мишти тумани 5 уй	2022 йил	1						4				1 401,3		1 401,3								Танлов асосида
2	Шуртан МФЙ 7-мишти тумани 11 уй	2022 йил				7,4	300,0		4				517,6		517,6								Танлов асосида
3	Шуртан МФЙ 7-мишти тумани 33 уй	2022 йил				7,4	300,0		4				517,6		517,6								Танлов асосида
4	Ўйди Пахтазор м/т 40 А уй	2022 йил	1			7,4	700,0		4				2 183,9		2 183,9								Танлов асосида
5	Шодлик МФЙ 5-мишти тумани 10 уй	2022 йил	1			7,4	500,0		5				2 033,9		2 033,9								Танлов асосида
6	Қонилон МФЙ И.Қариев 302 уй	2022 йил	1						2				1 291,3		1 291,3								Танлов асосида
7	Нурiston МФЙ 3-мишти тумани 28 уй	2022 йил	1						8				1 608,1		1 608,1								Танлов асосида
8	Мустақиллик МФЙ Қуролди қуллар 51 уй	2022 йил					300,0						229,3		229,3								Танлов асосида
9	Чўдуқар МФЙ 4-мишти тумани 22 уй	2022 йил	1			7,4	500,0		8				2 139,0		2 139,0								Танлов асосида
10	Пахтазор-1 МФЙ Пахтазор м/т 2 уй	2022 йил					300,0		3				445,1		445,1								Танлов асосида
11	Пахтазор-1 МФЙ Пахтазор м/т 3 уй	2022 йил					300,0		3				445,1		445,1								Танлов асосида
12	Пахтазор МФЙ Пахтазор м/т 31 уй	2022 йил	1			7,5	500,0		8				2 199,9		2 199,9								Танлов асосида
13	Қарши МФЙ Б.Турун 19 уй	2022 йил	1				500,0		4				1 935,3		1 935,3								Танлов асосида
14	Наво МФЙ Мустақиллик 1А уй	2022 йил	1			7,5	700,0		8				2 409,7		2 409,7								Танлов асосида
	Бурмачининг жами харажатлари		9	0	0	0	52	0,0	4 900,0	0,0	65	0,0	0	0,0	19 357,0	0,0	0,0	19 357,0	0,0				
	Тақсирланмаган лимит														1 916 352,8								
	Қарши шаҳар буйича жами														1 935 709,8								
Шахрисабз шаҳар																							
1	Ғалаба МФЙ Ғ.Ғулом 29 уй	2022 йил	1				400,0		5				1 942,5		1 942,5								Танлов асосида
2	Ғалаба МФЙ Ғ.Ғулом 45 уй	2022 йил					400,0						486,1		486,1								Танлов асосида
3	Илпак йули МФЙ Илпак йули 112 уй	2022 йил	1			60,0	400,0		10				2 365,1		2 365,1								Танлов асосида
4	Оқсарой МФЙ Қорасув 2 уй	2022 йил										1	811,8		811,8								Танлов асосида
	Бурмачининг жами харажатлари		2	0,0	0	0	60	0,0	1 200,0	0,0	15	0,0	1	0,0	5 605,4	0,0	0,0	5 605,4	0,0				
	Тақсирланмаган лимит														554 935,2								
	Шахрисабз шаҳар буйича жами														560 540,6								
Ғузур тумани																							
1	Обод МФЙ Ибн-Сино 30.31.32.33 уйлр	2022 йил										1	811,8		811,8								Танлов асосида
2	Обод МФЙ Ибн-Сино 35.36.37.38 уйлр	2022 йил	1				300,0		6		1		2 630,1		2 630,1								Танлов асосида
3	Тинчлик МФЙ Янги-Тоғ 24 уй	2022 йил							2				110,0		110,0								Танлов асосида
4	Обод МФЙ Ўзбекистон 1.2.3 уйлр	2022 йил				67,5							165,9		165,9								Танлов асосида
5	Обод МФЙ Ибн-Сино 25 уй	2022 йил					400,0						485,5		485,5								Танлов асосида
	Бурмачининг жами харажатлари		1	0,0	0	0	67,5	0,0	700	0,0	8	0,0	2	0,0	4203,4	0,0	0,0	4203,4	0,0				
	Тақсирланмаган лимит														416 133,6								
	Ғузур тумани буйича жами														420 337,0								
Деҳқонобод тумани																							
1	Нодира МФЙ Фуркат куча 11 уй	2022 йил	1										1 181,0		1 181,0								Танлов асосида
	Бурмачининг жами харажатлари		1	0,0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1 181,0	0,0	0,0	1 181,0	0,0				
	Тақсирланмаган лимит														116 919,0								
	Деҳқонобод тумани буйича жами														118 100,0								
Қасби тумани																							
1	Дустлик МФЙ Ўзбекистон 1 уй	2022 йил	1			77,5	200,0		4		1		2 658,0		2 658,0								Танлов асосида
	Бурмачининг жами харажатлари		1	0,0	0	0	77,5	0,0	200,0	0,0	4	0,0	1	0,0	2 658,0	0,0	0,0	2 658,0	0,0				
	Тақсирланмаган лимит														263 142,0								
	Қасби тумани буйича жами														265 800,0								
Қитоб тумани																							

№	Объектларнинг номи ва жойлашган манзили	Қўриқнинг бошланғич ва гуаҳланган йили	шун жумладан												2022 йил жами капитал қуёلمалар	Қўриқнинг мўлжалланган умумий қиймати	Жами буржумчининг харажатлари	шун жумладан		Тошхирин мuddати	Ажратилган маблағини улаштириш	Экспертиза хулосаси ва рақами	Тасдиқланган танлов баънинг рақами ва санаси	Лойиҳачи таъшилот
			Болалар мандоқчасини қуриш		Болалар майдончасини таъмирлаш		Ирригация гармонларини таъмирлаш		Йулакларни бетонлаш		Ташқи еригиш мосламаларини уратиш		Умумий доланица ағзи дожа қондалрини қуриш					Лойиҳа - смета ва жезиргиза харажатлари	Буржумчининг саясий харажати					
			дона	минг сум	дона	минг сум	н/м	минг сум	м2	минг сум	дона	минг сум	дона	минг сум										
1	Гулистон МФЙ Гулистон кўчаси 68 уй	2022 йил					22,5							57,0			57,0					Таълов асосида		
2	Гулистон МФЙ Гулистон кўчаси 70 уй	2022 йил	1				30,0							1 253,3			1 253,3					Таълов асосида		
3	Гулистон МФЙ Гулистон кўчаси 56 уй	2022 йил											1	811,8			811,8					Таълов асосида		
4	Гулистон МФЙ Б.И.Йули кўчаси 114 уй	2022 йил	1						165,0				2	1 456,8			1 456,8					Таълов асосида		
5	Гулистон МФЙ Б.И.Йули кўчаси 116 уй	2022 йил						140,0					2	270,0			270,0					Таълов асосида		
6	Гулистон МФЙ Б.И.Йули кўчаси 163 уй	2022 йил						460,0					2	647,0			647,0					Таълов асосида		
7	Янгибод МФЙ Янгибод кўчаси 26 уй	2022 йил						160,0					2	295,0			295,0					Таълов асосида		
	Буржумчининг жами харажатлари		2	0,0	0	0	52,5	0,0	925,0	0,0		8	0,0	1	0,0	4 791,0	0,0	0,0	4 791,0	0,0				
	Тақсимиланмаган лимит															474 307,1								
	Китоб тумани буйича жами															479 098,1								
7	Косон тумани																							
1	Навбахор МФЙ А.Навой кўчаси 17 А	2022 йил										2		1	921,8			921,8				Таълов асосида		
2	Навбахор МФЙ А.Навой кўчаси 17 Б	2022 йил										2			110,0			110,0				Таълов асосида		
3	Навбахор МФЙ Мустанкилик шох кўчаси 108 уй	2022 йил										2			110,0			110,0				Таълов асосида		
4	Навбахор МФЙ Мустанкилик шох кўчаси 110 уй	2022 йил										2			110,0			110,0				Таълов асосида		
5	Навбахор МФЙ А.Навой кўчаси 34 уй	2022 йил	1											1 181,3			1 181,3					Таълов асосида		
6	Лолаю МФЙ Мустанкилик шох кўчаси 2 уй	2022 йил						450,0						333,0			333,0					Таълов асосида		
7	Лолаю МФЙ Мустанкилик шох кўчаси 3 уй	2022 йил						200,0						311,0			311,0					Таълов асосида		
8	Лолаю МФЙ Мустанкилик шох кўчаси 4 уй	2022 йил						200,0						318,5			318,5					Таълов асосида		
9	Навбахор МФЙ Мустанкилик шох кўчаси 67 уй	2022 йил					61,3							150,6			150,6					Таълов асосида		
10	Навбахор МФЙ Мустанкилик шох кўчаси 73 уй	2022 йил					61,3							150,5			150,5					Таълов асосида		
	Буржумчининг жами харажатлари		1	0,0	0	0	123	0,0	850,0	0,0		8	0,0	1	0,0	3 696,8	0,0	0,0	3 696,8	0,0				
	Тақсимиланмаган лимит															365 984,0								
	Косон тумани буйича жами															369 680,8								
8	Қамаши тумани																							
1	Зафар МФЙ А.Тсмур 41.45.47 уйлар	2022 йил	1				67,5							1 347,2			1 347,2					Таълов асосида		
2	Дустлик МФЙ Маърифат 10.15.16 уйлар	2022 йил							150,0					169,2			169,2					Таълов асосида		
3	Дустлик МФЙ Маърифат 1.2.3 уйлар	2022 йил										4		220,1			220,1					Таълов асосида		
4	Дустлик МФЙ Маърифат 12.13 уйлар	2022 йил										1		811,8			811,8					Таълов асосида		
	Буржумчининг жами харажатлари		1	0,0	0	0	67,5	0,0	150,0	0,0		4	0,0	1	0,0	2 548,2	0,0	0,0	2 548,2	0,0				
	Тақсимиланмаган лимит															252 271,8								
	Қамаши тумани буйича жами															254 820,0								
9	Қарши тумани																							
1	Бунедкор МФЙ Мустанкилик 8.9.10 уйлар	2022 йил					31,3		800,0			10			1 569,7			1 569,7				Таълов асосида		
2	А.Навой МФЙ Камалат 18.19.26 уйлар	2022 йил	1											1 181,3			1 181,3					Таълов асосида		
3	Дустлик МФЙ Мустанкилик 36. 38 уйлар	2022 йил											1	811,8			811,8					Таълов асосида		
4	Чолпоғил МФЙ Чолпоғил кк 5.6.7.8 уйлар	2022 йил	1				31,3		800,0			10		1	3 562,4			3 562,4				Таълов асосида		
	Буржумчининг жами харажатлари		2	0,0	0	0	62,5	0,0	1 600,0	0,0		20	0,0	2	0,0	7 125,1	0,0	0,0	7 125,1	0,0				
	Тақсимиланмаган лимит															705 388,0								
	Қарши тумани буйича жами															712 513,1								
10	Миришкор тумани																							
1	Обод ҚФЙ Обод ҚФЙ 5 уй	2022 йил	1				88,5		400,0			8		1	3 117,4			3 117,4				Таълов асосида		
	Буржумчининг жами харажатлари		1	0,0	0	0	88,5	0,0	400,0	0,0		8	0,0	1	0,0	3 117,4	0,0	0,0	3 117,4	0,0				
	Тақсимиланмаган лимит															308 623,2								
	Миришкор тумани буйича жами															311 740,6								
11	Муборак тумани																							
1	Ёшлик МФЙ 2-м/т 23 уй	2022 йил	1										5		1 456,4			1 456,4				Таълов асосида		
2	Ёшлик МФЙ 2-м/т 4 уй	2022 йил							800,0						670,0			670,0				Таълов асосида		
3	Ёшлик МФЙ 2-м/т 3А, 3Б уйлар	2022 йил																				Таълов асосида		
4	Тоғ МФЙ 4-м/т 13 уй	2022 йил	1						800,0					8		2 524,1			2 524,1			Таълов асосида		
5	Қурувчилар МФЙ Ёшлик 7/1 уй	2022 йил											4	1	1 031,8			1 031,8				Таълов асосида		
6	Бобур МФЙ 4а-м/т 23 уй	2022 йил	1				43,8		600,0				6		2 299,4			2 299,4				Таълов асосида		
7	Кончилар МФЙ 1-м/т 1 А уй	2022 йил					43,7						4		327,1			327,1				Таълов асосида		
8	Кончилар МФЙ 1-м/т 14 уй	2022 йил	1						600,0					2		2 191,3			2 191,3			Таълов асосида		
	Буржумчининг жами харажатлари		4	0,0	0	0	87,5	0,0	2 800,0	0,0		29	0,0	1	0,0	10 500,0	0,0	0,0	10 500,0	0,0				
	Тақсимиланмаган лимит															1 039 500,0								

№	Объектларнинг номи ва жойлашган манзили	Қурилиш бондианинг ва тугатилган йили	шун жумладан												2022 йил жамий капитал қийматлари	Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	Жами буртмачининг харажатлари	шун жумладан		Тошхирин муддати	Ақратыктаги маблагнинг улаштирилиши	Экспертиза хужусасинан санаси ва рақами	Тасдиқланган таъминот рақами ва санаси	Лойиҳачи таъминоти
			Болалар майдончасини қуриш		Болалар майдончасини таъмирлаш		Ирригация тармоқларини таъмирлаш		Йулакларни бекетлаш		Ташқи ери гипомосламаларини уратиш		Умумий даъватнинг аниқ хожа хоналарини қуриш					Лойиҳа - смета ва жисимга харажатлари	Буртмачининг саклаш харажати					
			дона	миң сум	дона	миң сум	ш/м	миң сум	м2	миң сум	дона	миң сум	дона	миң сум										
Муборак тумани буйича жами												1 050 000,0												
Шибон тумани																								
1	Юкдони МФЙ Ешлар 3 уй	2022 йил	1			62,0		700,0		9			1		3 412,4						Таъминот асосида			
2	Ойдин МФЙ А Темур 10 уй	2022 йил	1			61,0		700,0		9					2 600,9						Таъминот асосида			
3	Байрамдони МФЙ Оҳанграб 9 уй	2022 йил	1			61,0		700,0		9					2 600,9						Таъминот асосида			
4	Нурiston МФЙ 1-м/г 20 уй	2022 йил	1			61,0		700,0		9					2 600,9						Таъминот асосида			
5	Оқ-олтин МФЙ Оқ-олтин кишлоғи 1 уй	2022 йил				25,0				9			1		1 441,4						Таъминот асосида			
Буртмачининг жами харажатлари			4	0,0	0	0	270	0,0	2 800,0	0,0	45	0,0	2	0,0	12 656,5	0,0	0,0	12 656,5	0,0					
Тақсимланмаган лимит															1 252 989,1									
Шибон тумани буйича жами															1 265 645,6									
Чирокчи тумани																								
1	Кимшета МФЙ мустақиллик 16 уй	2022 йил	1			85,0				2					1 500,2						Таъминот асосида			
2	Кимшета МФЙ мустақиллик 26 уй	2022 йил								2		1			921,8						Таъминот асосида			
3	Кимшета МФЙ қучкичар 34 уй	2022 йил						300,0		3					504,2						Таъминот асосида			
Буртмачининг жами харажатлари			1	0,0	0	0	85,0	0,0	300,0	0,0	7	0,0	1	0,0	2 926,3	0,0	0,0	2 926,3	0,0					
Тақсимланмаган лимит															289 701,9									
Чирокчи тумани буйича жами															292 628,2									
Шахрисабз тумани																								
1	А Темур МФЙ Ш.Азизов 25 уй	2022 йил	1			45,0		100,0		4					1 619,9						Таъминот асосида			
2	А Темур МФЙ Ш.Азизов 2уй	2022 йил						100,0		2					218,0						Таъминот асосида			
3	А Темур МФЙ ПШ.Азизов 3 уй	2022 йил						100,0		2					218,0						Таъминот асосида			
4	А Темур МФЙ Ш.Азизов 4 уй	2022 йил						100,0		2					218,0						Таъминот асосида			
5	А Темур МФЙ Ш.Азизов 5 уй	2022 йил						100,0		2					218,0						Таъминот асосида			
6	Мираки МФЙ Х.Олимжон 1 уй	2022 йил										1			811,8						Таъминот асосида			
7	Мираки МФЙ Х.Олимжон 5 уй	2022 йил						140,00		2					271,9						Таъминот асосида			
8	Мираки МФЙ Х.Олимжон 6 уй	2022 йил						140,00		2		1			1 083,7						Таъминот асосида			
Буртмачининг жами харажатлари			1	0,0	0	0,0	45,0	0,0	780,0	0,0	16	0,0	2	0,0	4 659,1	0,0	0,0	4 659,1	0,0					
Тақсимланмаган лимит															461 246,6									
Шахрисабз тумани буйича жами															465 905,7									
Яккабоғ тумани																								
1	Чўмич МФЙ Тўқимачи 2 уй	2022 йил	1												1 181,3						Таъминот асосида			
2	Айгиркул МФЙ М/г 10 уй	2022 йил				30,0									79,0						Таъминот асосида			
3	Айгиркул МФЙ М/г 11 уй	2022 йил				30,0									68,5						Таъминот асосида			
4	Айгиркул МФЙ Гулшан 3 уй	2022 йил						100,0							127,1						Таъминот асосида			
5	Айгиркул МФЙ Гулшан 6 уй	2022 йил						100,0							127,1						Таъминот асосида			
6	Айгиркул МФЙ М/г 14 уй	2022 йил								2					110,0						Таъминот асосида			
7	Айгиркул МФЙ М/г 15 уй	2022 йил								2					110,0						Таъминот асосида			
8	Айгиркул МФЙ М/г 16 уй	2022 йил								2					110,0						Таъминот асосида			
9	Янгиобот МФЙ Ватанпарвар 37 уй	2022 йил										1			811,8						Таъминот асосида			
Буртмачининг жами харажатлари			1	0,0	0	0,0	60,0	0,0	200,0	0,0	6	0,0	1	0,0	2 724,8	0,0	0,0	2 724,8	0,0					
Тақсимланмаган лимит															269 755,6									
Яккабоғ тумани буйича жами															272 480,4									
Буртмачининг жами харажатлари			32	0,0	0	0,0	1 198,0	0,0	17 805,0	0,0	243	0,0	17	0,0	87 750,0	0,0	0,0	87 750,0	0,0					
Тақсимланмаган лимит															8 687 250,0									
Яккабоғ тумани буйича жами			32	0,0	0	0,0	1 198,0	0,0	17 805,0	0,0	243	0,0	17	0,0	8 775 000,0	0,0	0,0	8 775 000,0	0,0					

"КЕЛИШИЛДИ"
 Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш назоратининг "Қўн хонадонли Уй-жой фондидан таъминот таъминоти объектларининг қўн хонадонли таъминотнинг компанияси"
 ТУК директори
 Ш.Шарапов
 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
 Қашқадарё вилояти Мотия бош бошқарма бошлиғи
 Ф.Юсуфов
 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
 Қашқадарё вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарма бошлиғи
 Э.Эрназаров
 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
 Қўн хонадонли Уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш Қашқадарё вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи
 А.Сафаров
 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
 Қўн хонадонли объектларнинг муҳкам ва жорий таъмирлаш ҳамда янги таъминоти объектларининг қўн хонадонли таъминотнинг компанияси
 директор
 А.Рустамов
 2022 й.

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Қашқадарё вилоят Уй-жой
коммунал хизмат кўрсатиш
бошқармаси бошлиғи
Ўринбосари А.А.Халилов
2022 йил

Танлов комиссиясининг 27.06.2022 йилдаги Қарши тумани Дустлик МФЙ 34-36-38 уйлар олдига хожатхона қуриш (ЛОТ рақами № 221100120105943) бўйича тасдиқланган электрон баённома муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишнинг

МУҲОКАМА БАЁНИ № 12

2022 йил 30 июнь

Қарши шаҳар

Раислик қилди: Қашқадарё вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.А.Халилов

Қатнашдилар: Танлов комиссиясининг аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Танлов комиссиясининг 27.06.2022 йилдаги Қарши тумани Дустлик МФЙ 34-36-38 уйлар олдига хожатхона қуриш (ЛОТ рақами № 221100120105943) бўйича тасдиқланган электрон баённома муҳокамаси

(А.Халилов, Ж.Жўраев, О.Саттаров, А.Сафаров, З.Рўзиев, ..., А.Халилов)

Йиғилишни “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Қашқадарё вилоят филиали директори З.Рўзиев кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масалалар билан таништириб, соҳада олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишдаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 276 –сонли қарорининг 5 боб 5 § 101 ва 102 бандига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу қарор ижросини таъминлаш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан “Қашқадарё вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи ўринбосари, танлов комиссиясининг раиси А.Халилов сўзга чиқиб, танлов комиссиясининг 27.06.2022 йилдаги Қарши тумани Дустлик МФЙ 34-36-38 уйлар олдига хожатхона (ЛОТ рақами № 221100120105943) бўйича тасдиқланган электрон баённома муҳокамаси юзасидан танловда қатнашган талабгор корхоналар томонидан эътироз ва шикоятлар келиб тушмаганлиги сабабли танловда ғолиб деб топилган пудратчи корхона билан ўрнатилган тартибда қурилиш пудрат шартномаси тузиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ўз фикр ва

мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Танлов комиссиясининг 27.06.2022 йилдаги Қарши тумани Дустлик МФЙ 34-36-38 уйлар олдига хожатхона (ЛОТ рақами № 221100120105943) бўйича тасдиқланган электрон баённомаси юзасидан эътироз ва шикоятлар келиб тушмаганлиги сабабли электрон танлов баённомаси ижро учун қабул қилинсин.

2. “Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Қашқадарё вилоят филиали директори (З.Рўзиев), бош ҳисобчиси (Э.Ёров) га муҳокама баённомасига асосан танлов ғолиби билан ўрнатилган тартибда қурилиш пудрат шартномасини расмийлаштирилишини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

Йиғилиш котиби



Р.Тоҳиров


Комиссия аъзолари:

“Кўп хонадонли уйлардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” Қашқадарё вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи:




А.Сафаров

Қашқадарё вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бўлим бошлиғи:



Ж.Жўраев

“Сардоба дизайн қурилиш” ХК мутахассиси:



О.Сагитов

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Қашқадарё вилоят филиали директори:



З.Рўзиев

**Объектда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Ишлар тури ва номи	Ишлар ҳажми	Қиймати	2022 йил учун қурилиш қиймати												Ишлар тури қиймати		
				I - чорак			II - чорак			III - чорак			IV - чорак					
				Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь			
1	Карши тумани Дўстлик МФЙ 34,36,38 уйлар олдида ҳожатхона қуриш	3	1328503 45															132850345

БЮРОТМАЧИ
Раҳбар:
М.У.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Буюртмачи раҳбари: **З.Рузиев**

Пудратчи раҳбари:

Юридик хизмат
кўрсатувчи:

томонидан тузилаётган 20 22 йил “1 июль” №3/1 - сон шартнома, умумий суммаси 132 850 345 Бер юз ўттиз икки миллион сажкизюз эллик сўм килиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан, шунг юз юз берк бел сўм

ЮРИДИКХУЛОСА СИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза килиб, ушбу қурилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос (Буюртмачи ташкилот):



М.Ў.

“ _____ ” _____ 20__ йил